

# Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри  
Мулоқот учун E-mail: [erkinyurt@uzxalqharakati.com](mailto:erkinyurt@uzxalqharakati.com)

#31 25.05.2012

## МУҲАММАД СОЛИХ: “БУ КИТОБЛАРНИ ТАРАФДОРЛАРИМИЗ НАШР ЭТИШГАН”

*Тожикистонда аҳоли орасида Президент Ислом Каримовни танқид қилувчи мақолалар мажмудан иборат “Иуда-2” ва “Дявол-2” номли икки китоб тарқалмоқда.*



Ушбу китобларда жаноб Каримов ҳақида ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар ва Викиликсда нашр этилган кескин танқидий мақолалар ўрин олган.

Уларда Ўзбекистон президенти ўзбек ва тожик миллатларига хиёнат қилишда айбланади.

Китобларда уларнинг ношири ва тиражи ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Аммо ҳар иккала китоб муқовасида: “Бу мажмуа “Эрк” партияси аъзоларининг халқаро ахборот воситаларида чиққан хабарлари асосида “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати” раҳбари Муҳаммад Солих дастури билан чопга тайёрланган,” деб ёзилган. “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати” раиси Муҳаммад Солих Би-би-си билан суҳбатда ушбу китоблар нашрига унинг тўғридан-тўғри алоқаси йўқлигини айтди. “Бу китоблар яқинда чиққан. Аммо уларни биз “Эрк” нашриётида босганимиз йўқ. Бунга ўхшаш “Халқ Нидоси” номли китоб ва ҳужжатли фильм ўтган йил охирида чиққанди. Бу китобларни тарафдорларимиз нашр этишган. Топширик масаласига келсак... Каримов режимини фош қилувчи мақолалар ва Каримов режимига қарши тарғибот, ҳаққоний фактларга асосланган ҳолда, бутун ўлкаларда нашр этиш топшириғи берилгани рост,” – деди Муҳаммад Солих. “Иуда-2” ва “Дявол-2” китобларида Тожикистон президенти Имомали Раҳмон ҳам танқид остига олинган. 134 саҳифалик “Дявол-2” китобига кириш сўзини ёзган муаллиф ўзини “Эшони Калони Турон” деб таништиради.



У жаноб Каримов ҳақида жумладан шундай деб ёзади: “Сиз тожик ҳамкасбингиз – мустақил Тожикистон президентини таҳқирлайсиз ва уни “бу колхозчи менинг танқидларим устида қудратга келди,” дейсиз.” Кириш сўзи муаллифи шунингдек Ўзбекистон президентини 2005 йили Андижонда ҳамда 1991 йили ва 1999 йили Тошкентда юз берган ҳодисаларда айблади. Китобнинг илк саҳифасига Ислом Каримов сурати қўйилган ва остига шундай сўзлар битилган: “Сизнинг биродар Тожикистонга нисбатан ташки сиёсатингиз асосида бу мамлакат президенти ва халқига ғазаб ва ҳасад ётади”. “Иуда-2” китобида эса асосан хорижий оммавий ахборот воситалари ва Викиликс орқали нашр этилган Ислом Каримов ва унинг оиласига бағишланган мақола ва хабарларга ўрин берилган. Кузатувчилар ушбу китобларнинг Тожикистонда қай йўллар билан тарқатилаётгани номаълум эканини айтишади. Баъзиларга кўра, китоблар Душанбе шаҳрида бундай китобларнинг тарқалаётганидан хабарингиз борми?” деган саволига вазирлик масъулларидан бири китоблар номи ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот беришни сўраган.

## МУСТАБИДЛИК ВА ҲАҚСИЗЛИК БУНДАН СЎНГ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Маркази Лондонда жойлашган Amnesty International ташкилоти 2011 йил давомида кузатилган халқ исёнлари фониди ана шундай хулосага келди  
(Давоми 2-бетда)

## МИСРДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ ЎТМОҚДА

Мисрда ўтаётган президентлик сайловларида овозларнинг 51%и санаб чиқилгач, “Ихвонул-Муслимин” номзоди Муҳаммад Мурсий етакчилик қилмоқда, иккинчи ўринда собиқ бош вазир, истеъфодаги генерал Аҳмад Шафиқ бормоқда, дея хабар беради SalamNews.

(Давоми 2-бетда)

## ЁНҲОҚДАН ҚУРУҚ ҚОЛМАНГ, ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Йигирма йилдан ортдики, Ўзбекистонда диктатор И. Каримовнинг ҳукмронлиги ўрнатилган ва мамлакат аҳли кун сайин, қадамма кадам ижтимоий ва иқтисодик инқироз ботқоғига ботиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда)

## ҲАЙФДИР САНГА ИСМ

Ҳайфдир санга исм, ҳайф сани номинг, Ўтқинчидур барча шухрату-шонинг. Куфр тимсолидур руҳинг-вужудинг, Мангу азоб ичра, қийналсин жонинг

(Давоми 4-бетда)



**turkiston.tv**  
интернет-радио

[radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)

**ЖОНЛИ ЁЙИНЛАРИ!**

Ҳафтанинг ҳар шанба куни Тошкент вақти билан 21:00 да [turkiston.tv](http://turkiston.tv) радиосида “Эркин Мавзу” дастурини жонли ёйинда тинглай оласиз.

[radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)

жонли эфирига савол ва таклифларингизни ушбу манзилларга йўллашингиз мумкин:

Web: [radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)

Skype: [turkiston.tv](http://turkiston.tv)

E-mail: [radio@turkiston.tv](mailto:radio@turkiston.tv)

## МУСТАБИДЛИК ВА ҲАҚСИЗЛИК БУНДАН СЎНГ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

*Маркази Лондонда жойлашган Amnesty International ташкилоти 2011 йил давомида қузатилган халқ исёнлари фониди ана шундай хулосага келди.*



Бу хулоса ташкилотнинг 24 май куни эълон қилинган йиллик ҳисоботида баён қилинди.

“2011 йил давомида демократия талабида кўчаларга чиққан намоёнчиларнинг Яқин Шарқда кўрсатган жасорати Ғарб ҳукуматларининг иқтисодий манфаат ва Realpolitik деган атама ортига бекинган сиёсатидан устун келди. Аксар глобал ва минтақа микросидаги қудратли давлатларнинг бу намоёнчиларга оғизда кўрсатган таянчлари амалий ёрдамга айланмади”, деб ёзади Халқаро Амнистия ташкилоти ўз йиллик ҳисоботида. Ташкилот бош қотиби Салил Шетти ҳисоботга оид эълон қилган баёнотида Мисрда кейинги 12 ой давомида қузатилган жараёнларни мисол ўлароқ келтиради ва бу мамлакатда демократия ва инсон ҳақлари тантанаси учун учун туғилган тарихий давр глобал ўйинчиларнинг ўз манфаатларини қўриқлаш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари боис қарийб йўққа чиқарилганини танқид қилади. 2011 йил вазиятига бағишланган янги ҳисоботда дунёнинг 91 давлатидаги сўз эркинлиги, 101 давлатида аҳолининг қийноқ ва бошқа зўравон-ликлардан қанчалик озод экани тадқиқ этилган. “Қанчалик мустабид бўлмасин, алоҳида олинган диктаторларни ҳокимиятдан ағдариш узоқ муддатлик ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли эмас. Ҳукуматлар ўз худудларида фикр эркинлигига амал қилишлари, халқаро масъулиятни жиддий қабул қилиш ва адолат, озодлик ва ҳамманинг қонун олдида тенглигини таъминловчи система ва тизимлар яратишга киришишлари лозим”, дейилади ҳисобот хулосасида.

“Намоёнчилар ўзгариш қилиш мумкинлигини кўрсатдилар. Улар ҳукуматларга адолат, тенглик ва ғурурлари таъминлашини талаб қилиб мужда йўлладилар. Намоёнчилар ўз талабларини эшитмайдиганларнинг бундан сўнг қабул қилинмаслигини кўрсатдилар. 2012 йил гарчи нохуш ва кўнгилсиз

бошланган бўлса-да, амалий ҳаракат йилига айланиши лозим”, дейилади Халқаро Амнистия бош қотиби баёнотида.

### Хавфсизлик Кенгаши яроқсиз ҳолга келган

Жаҳон бўйлаб юзага чиққан инсониятга қарши кенг қўламли жиноятларни тўхтатиш учун ўз вақтида аралашмаган БМТ Хавфсизлик Кенгаши, Халқаро Амнистия ҳисоботида келтирилишича, глобал тинчлик посбони ролига ярамай қолган. “БМТ суриялик намоёнчилар умидларига хиёнат қилди, Шри Ланкадаги фожиаларга кўз юмди. Кенгашга аъзо ҳукуматлар ўз етакчилиги легитимлигини исботлаши ва кучсиз, ҳимоясиз намоёнчиларни ҳимоя қилиши лозим”, дейилади Халқаро Амнистия ҳисоботида. Етакчилиқнинг йўқлиги, ташкилот хулосасига кўра, БМТ Хавфсизлик Кенгашини толиққан, замондан орқада қолган ва қўйилган мақсадга яроқсиз ҳолга тушириб қўйган.

### Ўзбекистонда ўзгариш фақат ёмон томонга...

24 май куни дунёнинг 101 давлатидаги инсон ҳақлари вазиятига доир йиллик ҳисоботини тақдим қилган Халқаро Амнистия ташкилотининг Ўзбекистондаги аҳволга бағишланган хулосаларида неқибликка асос берувчи бирор ижобий ўзгариш қайд этилмаган.

“Тарқи тадқиқот йили давомида Ўзбекистонда икки ҳуқуқ фаоли инсонпарварлик иддаоси билан ҳибсдан озод қилинган бўлса-да, қолган эътиқод маҳбуслари шавқатсиз, ноинсоний ва ҳўрлик шароитида узоқ муддатлик қамоқ жазосини ўташда давом этмоқда”, дейилади Халқаро Амнистия ҳисоботининг Ўзбекистонга оид қисми муқаддимасида. Ўзбекистон Мустақил инсон ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов, Халқаро Амнистиянинг бу хулосасига қўшилишини билдиради.

## МИСРДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ ЎТМОҚДА

Мисрда ўтаётган президентлик сайловларида овозларнинг 51%и санаб чиқилгач, “Ихвонул-Муслимин” номзоди Муҳаммад Мурсий етакчилик қилмоқда, иккинчи ўринда собиқ бош вазир, истеъфодаги генерал Аҳмад Шафиқ бормода, дея хабар беради SalamNews.

“Миср25” телеканалда М.Мурсий сайлов штаби вакили, бу номзод сайловга келган сайловчиларнинг 30,8%, Шафиқ 22,3% овоз олаётганини билдирди.

Учинчи ўринда 20% овоз билан мустақил социалист номзод Ҳамдин Саббохий бормоқда. Тўртинчи ва бешинчи поғонада Абдулмунъим Абдулфутуҳ ва Араб давлатлари Лигаси Бош қотиби Амр Мусо бормоқда.

Сайловлар арафасида Миср Парламенти тарафидан киритган ўзгаришларга биноан, президентликка номзоднинг қузатувчилари қўлига сайлов участкаларидаги овозлар ҳисоботи нусхаси топширилади, бу эса сайловларнинг бошланғич натижаларини ҳисоблаш имконини беради.

Чоршанба ва пайшанба кунлари мамлакат янги президентини сайлади. Сайловчиларнинг иштироки тахминан 50 % бўлди. Расмий натижалар келаси ҳафтанинг бошида эълон қилинади. Агар номзодларнинг ҳеч қайсиси 50% дан зиёд овоз ололмаган тақдирда, энг кўп овоз олган икки номзод иштирокида иккинчи тур сайловлари ўтказилади. Бугунги кунда энг кўп имконият М.Мурсий ва А.Шафиқда.

Аввалроқ эълон қилинган графика кўра, Мисрдаги иккинчи тур сайловлар 16 ва 17 июнь кунлари ўтказилади. Президентлик сайловларининг якуний натижалари 21 июнь куни эълон қилинади. Ҳуқмронликни Қуролли кучлар Олий мажлисидан халқ сайлаган Президентга топшириш 30 июнь куни ўтказилади.





Йигирма йилдан ортдики, Ўзбекистонда диктатор И. Каримовнинг ҳукмронлиги ўрнатилган ва мамлакат аҳли кун сайин, қадамма кадам ижтимоий ва иктисодик инкироз ботқоғига ботиб бормоқда.

Аҳволни ўнглаш мумкинми ва бу ҳақида ҳукумат бош қотираётими? Албатта йўқ! Расмий Тошкент призмасидан қарайдиган бўлсак, ҳукумат учун аҳволнинг ўнгланиши, бу Ўзбекистондаги ночор аҳвол ҳақида гапирмаслик, фақат ва фақат диктаторни мактаб кун ўтказиш, у кишининг оқил ва доно сиёсатлари сабаб мамлакат ривожланиб бораётганини таъкидлаш лозим. Шунда И. Абдуғаниевич жаноблари элдан ҳам, муҳолифатдан ҳам рози бўларди. Бироқ эл шу оғир аҳволдан рози бўлиб кўярмикан? Асло йўқ! Аммо эл мамлакатдаги ноқонуний ҳукуматга қарши бирор сўз айтишни ҳам ўзига эп кўрмайди. Керак бўлса мардикорлик қилади, керак бўлса қизларини фахш бозорига чиқаради, аммо И. Карим ҳукмронлигига қарши туриш нарироқда турсин, бир оғиз сўз ҳам айта олмайди. Ўзбек халқини ўзини президент атайдиган зот И. Каримов кўй оғзидан чўп олмаган халқ дея эркалайди. Халқ эса шундан шод, шундан хуррам!

(ЎХХ) деб аталадиган бир сиёсий ҳаракат пайдо бўлибдики, ўзбек ҳукмдори ва унинг гумашталри таҳликага тушдилар. Ҳаракат очикчасига халқни ҳукуматга норозилик билдиришга чақира бошлади. Йигирма йил давомида элнинг қосаси оқармай яшаётган экан, унинг қонини ичаётган ҳукуматни ағдариш кераклигини ўқдира бошладди. Чунки на ислохотлардан ва хорижий мамлакатларнинг кўмагидан умид қолмади. Таҳликага тушган каримовчилар ҳозирги кунларда ЎХХга қарши омвий ахборот воситалари орқали кураш олиб бораёпти. Ҳаракат фаолларини ўлдириш билан ҳам таҳдидлар қилаёпти.

Ўзбекистон телеканоли томонидан тайёрланиб эфирга узатилган “Ватангадо” фильми кўпчиликнинг диққатини тортди. Нафақат ўзбек муҳолифати вакилларининг, балки ҳукуматдаги Каримов шотирларининг ҳам диққатини тортди. Совуқ Швеция мамлакатига яшаб келаётган Ўзбекистонлик имом М.Солиҳ Абутов номининг қораланиши – бу бекорга эмасди.

Телекўрсатув муаллифининг кимлиги, қачон тасвирга олинганлиги номаълум қолаётган фильмда Абутовга ҳам нисбатан котиллик амалиёти ўтказилишидан бир сигнал берилди ушбу фильмда.

А. Соипов, Ф. Рустамхўжаев ва Обидхон қори Назаровдан сўнг навбат М. Солиҳ Абутовга!

Унда келтириляётган даъволар ва ўзига хос “далилларга” эътибор қаратишнинг ўзиданоқ, уни ўта



## ЁНҒОҚДАН ҚУРУК ҚОЛМАНГ, ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

саводсиз одамлар тайёрлаган деб ўйлаш мумкин. Аслида ундай эмас! Бу фильмни тайёрлашда И. Абдуғаниевичнинг Олий мактабидан ўтган ёлгончи каззоблар пешона терларини тўкишган.

“Ватангадо” фильмида даъво қилинаётганига кўра, Ўзбекистон Ресубликаси ўзини доно раҳбари кўрсатиб берган тўғри йўлдан оғишмай тараккий этиб бораётган мамлакат ва унга инвестрларнинг қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. Аслида эса, инвестр деган зот Ўзбекистон билан қизиқмай қўйганига ўн йилдан ошди. Албатта Ж. Корея, Хитой, Япония сингари диктаторлик режимлари билан очикдан очик ҳамкорлик қилиб кетаверадиганлар учун мамлакатдаги инсон ҳақлари муаммоси муҳим аҳамият касб этмайди, лекин ривожланган ғарб мамлакатлари эса расмий Тошкент билан очик ҳамкорлик қилиш йўлига ўта олмаяпти. Бунга ҳам ўша ўзимизнинг “кадрдон” президентимизнинг инжиқлиги, ўзини ўзгалардан ортиқ билиши сабаб. Тагин бир ажиб даъво келтирилади фильмда. Эмишки, дунё мамлакатлари кризисдан зарар кўрган пайтда, Ўзбекистонда ички ўсиш саккиз фоизни ташкил этган эмиш. Ким ишонади бу даъвога дерсиз? Айниқса, Ўзбекистоннинг етти миллиондан ортиқ фуқароси Россияда мардикорлик қилиб юрган кезларда. Айниқса, аҳоли оч қорнини қандай тўйғазишни билмай оч-наҳор яшаётган вақтда. Айниқса, болалар меҳнати нафақат қишлоқ хўжалигида, ҳаттоки шаҳарларда кўча тозалаш ишларида аёвсиз эксплуатация қилинаётган паллада. Бу сингари мисоллар Ўзбекистонимизда жуда кўп ва ҳукумат асосан одамларни текинга ишлагиш билан анча-мунча муаммоларини ҳал қилиб олаяпти. Ўзбекистонимиз нафақат мардикорлар мамлақати, балки қуллар диёрига ҳам айланб бўлган. Масалан, дунёнинг технологик тараккий этган мамлакатларидан бири бўлган Швецияга ҳам кризис зарар етказди ва ўтган йилда унда тўрт фоизлик ички ўсиш қайд этилди. Ўзбекистонда эса саккиз фоиз? Швецияда одамлар Ўзбекистондаги сингари оч қолгани йўқ ва шведлар Россияда гастербайтер бўлиб юргани ҳам йўқ. Лекин Ўзбекистондаги ўсиш

кўпроқ Швецияга нисбат қилиб қараладиган бўлса 200 фоизни ташкил этади. Ётиб қулиш керакми энди, ёки думалаб? Ҳар неки, қулиш эмас, балки аксинча, йиғлаш керакдир. Чунки режим ёлгонлар билан яшамоқда ва ўзбекларимиз эса ёлгон ҳукуматнинг ёлгон сиёсатига рози бўлиб яшамоқда. Ёлгонлар устунига қурилган бу режим ёлгонлар билан яшашга маҳкум экан, тагин ундан нима қутиш мумкин?

Ўзбекистон ҳукмдори шу кунларда анча ташвишга тушган бўлса ҳам ажаб эмас. Яқин орада унинг буюртмаси билан шу йилнинг 22 февраль кунига Швециянинг

Стромсунд шаҳрида Обид қори Назаровга нисбатан уюштирилган суиқасд фош бўлади ва ундан сўнг Европа бу қотил ҳукмдорга қандай қараркин? Ҳар неки, токи НАТО Афғонистонда экан, Европа И. Каримов олдида керак бўлса думалайди, керак бўлса эмаклайди. Ундан сўнг эса Россия Федерацияси ва Хитой бор бўлсин экан. Улар И. Абдуғаниевич режимининг суянган қоясига айланишда ва режим гуллаб яшнаверди. Ҳа, фақат режим, мамлакат эса абгор бўлиб боради. 22 май кунга АҚШ нинг Чикаго штатида НАТО нинг таъриҳида энг йирик саммити бўлиб ўтди ва унга Ўзбекистон Республикасининг доимий ва мутлоқ Президенти И. Каримов таклиф этилганди. Нега у Чикагога бормади? Бунинг сабаби битта: И. Абдуғаниевич Барак Обама билан учрашмоқчи ва ўзига сиёсий очко олишни истаётганди. Обама эса сайлов олдида турибти ва И. Каримовнинг қўлини тутиши билан, унинг ишлари чаппасига кетиб қолиши тайин. Чунки у дунё жирканаётган бир диктаторнинг қўлини олишга ҳали тайёр эмас. Марҳамат, сайловдан соғ-саломат ўтиб олсин, кейин керак бўлса оғиз-бурун ўпишади ҳам. Фақат ҳозир эмас! Буни эса Ўзбекистонимизнинг доимий президенти тушунмайди, ёки тушунса ҳам инжиқлик қилади ва ўзига нисбатан юксак ҳурмат талаб қилади. Обруни одамлар йиллар давомида йиғади дейдилар. Халқлар эса асрлар давомида ўзига обрў ва эътибор қозанаркан. Ватанимиздан дунё таниган илм соҳиблари етишиб чиқиб, анчагина бообрў халқга айлангандик. Ҳаттоки шўролар даврида ҳам Ўзбекистоннинг ва ўзбекларнинг ўз ўрни бор эди, аммо қисқагина йигирма бир йил ичида на Ватаннинг ва на халқнинг обрўси қолмади.

Бунда нафақат ҳукумат айбдор, балки мана шу қора халқ ҳам айбдордир. Ўзбекистонда ҳаёт гўзал эмиш. Машиналар кўчалар сиғмай кетаётганмиш. Ҳаётнинг гўзаллиги машиналар кўплиги билан эмас, пойтахтнинг чароғон ва гўзал хиёбонлари билан ҳам эмас, балки инсонларнинг ҳақ ҳуқуқлари, уларнинг турмуш тарзлари билан ўлчанади.

(Давоми келинги бетда)

## ЁНҒОҚДАН ҚУРУҚ ҚОЛМАНГ, ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бугун ўзбекларимиз нафақат мардикорликда, балки фоҳишаликда ҳам дунёни лол қолдирди. Россия шаҳарларида боласини сотишга уринаётган ўзбеклар қўлга олинапти. Боласини поезд йўлида, ёки ахлат қутиларига ташлаб қочаётган ўзбеклар топилапти. Яна бирида ўзбек ўғлони Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг кўксига тегиб, унинг кўксига орденларини олиб қочиш билан оғизларга тушиб қолди. Мана шундай шармандаликлар сабаб, миллат сифатида ўлиб бораёпмиз ва келажакда шундай бир кун келадики, одамлар бир бирини “ўзбек” деб ҳақоратлайдиган бўлади. Агар миллат ўзини қўлга олмаса ва ўз келажак учун қайғурмаса.

“Ватангадо” фильми нафақат Муҳаммадсолиҳ Абутовга қаратилган “ижод маҳсули” бўлди, балки ўзбек муҳожиротига қаратилди. “Ўзқни кўзлаб оқил ва доно сиёсат олиб борадиган” ҳукмдор атрофида бирлашишга чақирқ хам

эмасди у, балки огоҳлантириш бўлди. Биз уларни битта битта ўлдириб борамиз деган террор эди у. Филмда ўзбекистонликлардан яна бири Фазлиддин Зайниддинов исмли шахснинг ҳам кўз ёшлари билан берган интервьюси янгради ва у Муҳаммадсолиҳ Абутов исмли бир ярамас билан скайпда боғланиб қолганлигини ва у 100 доллар эвазига ЎХХ варақаларини тарқатишни буюрганганини айтади. Шу ўринда М.Абутовнинг ўзи эса мутлоқ бундай шахс билан таниш эмаслигини ва алоқада ҳам бўлмаганини таъкидлайди. “Менимча, кимдир унга менинг номим билан чикган бўлиши керак ва уни варақа тарқатишга ундаган. Кейин эса қўлга олишга “муваффақ” бўлишган”, – дейди Абутов.

Энди унинг масжидда карате, самбо ва бошқа спорт турларини машқ қилиши эса бирор бир қолипга сиғмайдиган даъво бўлибти. Бунақанги ёлгонни ўзини Оллоҳнинг хизматида юрганлигини даъво қиладиган дин пешвоси гапирса жуда ғалати

бўларкан. Кичикгина масжидда спорт машғулотларини ўтказган Абутов Швецияда нега бу ишини қилмаётгани эса кишини ниҳоятда ажаблантиради. Кенг майдонлар, спорт заллари, ҳаттоки текинга машғулот қилса бўладиган жойлар ҳам оз эмас, лекин ҳозирда Абутовнинг бўйи 169 см, оғирлиги эса 103 кг. Унинг танасининг оғирлиги 75 кгдан ортмасанига меъёрдаги вазн ҳисобланади. Ўзбек латифаларидан бирида айтилишича, Афанди кўчадаги болаларга ёлгондан “хув анаву ерда ёнғоқ тарқатишяпти” деган экан. Болалар ўша ёққа чопиб кетишибти, кейин унинг ўзи ҳам “роstdан ҳам тарқатишяпти шекилли, унда ёнғоқдан қуруқ қолмай” деб болаларнинг ортидан югуриб кетган экан. И. Абдуғаниевич ҳам худди мана шу Афандига ўхшаб ўзининг ёлгонларига ўзи ишониб юрган бўлсачи?

Тўлқин Қораев

## АЛЛОҒ БИЛСА ЕТАР, БИЛМАГАН БИЛМАС!

Улуғ мақсадли йўл, машаққатларин,  
Саҳрода гул каби, сўлмаган билмас.  
Эрку озодликнинг, кадр кимматин,  
Кураш майдонига, келмаган билмас.  
Бугун ўз элида, хордир ўзбеклар,  
Эрк деган неъматга, зордир ўзбеклар,  
Ҳали ҳам умиди бордир, ўзбеклар,  
Бунини Ҳақдан умид, қилмаган билмас!  
Қерилса аҳмоқлар “мустақилмиз” деб,  
Йиғлаш керак эди, “бизлар кулмиз”  
деб,  
Кўтармаса бошин “битта элмиз” деб...  
Эл дардини кўзга, илмаган билмас!!  
“Озод” деса, оёқ қўлинг боғлаб,

“Обод” деса, “юртинг,” бағринги  
доғлаб,  
Бу дардни, эл билан, йиғласа йиғлаб,  
Кулганида бирга, кулмаган билмас.  
Олсалар миллатнинг номуси орин,  
Ким тинглар, мазлумлар нолаю  
зорин?,  
Ўзга юрт бағрида излаб, мазорин,  
Аламдан бағрини тилмаган, билмас!  
Ким маккор душману, кимни  
шумлигин?,  
Ким Ҳақни гапирган, кимни  
жимлигин?,  
Эй дўстлар, аслида кимни-кимлигин?,

Аллоҳ билса етар, билмаган билмас!!!  
Ўлимдан қўрқитма мени, эй жаллод,  
Ўлим сўқмоғида юрганларданман.  
Ожизу нотавон бандасан, билгил,  
Сенга куфр хукмин, берганларданман!  
Мени йўлим аниқ, мақсад аёндин,  
Адолат шиорим, ғоям Исломдир,  
Сендан кўрқишлигим менга харомдир,  
Дўк пўписанги кўп, кўрганларданман.  
Ҳақ учун курашиб, ўлмак, ўлиммас,  
Дунёда бирор кас бормикан, ўлмас?,  
Азалда битилган, лекин аниқмас,  
Тақдирга тан бериб, турганларданман.  
М. Абутов.

Ҳайфдир санга исм,  
хайф сани номинг,  
Ўткинчидур барча шуҳрату-шонинг.  
Куфр тимсолидур руҳинг-вужудинг,  
Мангу азоб ичра,  
қийналсин жонинг!  
Даврингни сур,  
кейин имкон топмассан,  
Азоб бўлар,  
ҳаргиз омон топмассан.  
Ажалинг етгунча тушма тахтингдан,  
Шунда тавба қилиб,  
иймон топмассан!!  
Золим шоҳ тирикдир,  
яшар иззатда,  
Сабаби, халқ ваҳимада, даҳшатда.  
Ўлгач бошланади,  
ҳар ёқда қий-чув,  
Мақтаганлар сўка бошлар,  
албатта.  
Ҳамма бир овоздан деса-“доносиз”,  
“Ниҳоятда буюк даҳо”, “танҳосиз”.  
Подшо ҳам ишониб қолса,  
ажабмас,  
Шундай зотлигига – бўлса,  
Худосиз.  
Қари шоҳдан давлат кетдимини  
дейман?,

## ҲАЙФДИР САНГА ИСМ



Навбат қизларига етдимини,  
дейман?.  
Охир-оқибат бу, Ўзбекистонда,  
Эркак зоти қуриб битдимини,  
дейман?!  
Бу кунлар ҳам,  
тарих бўлиб қоладир,  
Билмадим,  
ким қандай ибрат оладир?!  
Золим шоҳ лаънатга қолар,  
бегумон,

Асли чин айбдор,  
Таня холадир?!  
Халқимиз аҳволи,  
хароб бўлдику,  
Орзу-умидлари сароб бўлдику.  
Халқ сайлаган подшо,  
зулм этса халққа,  
Бу азоб устига, азоб бўлди-ку?!  
“Чарақлади” мустақиллик кўеши,  
Куйлаймиз – “донодир,  
бизнинг юртбоши”.  
Сабр қилиб,  
йигирма йил куйлабмиз,  
Куйлаймиз,  
етганча элнинг бардоши.  
Ўлсанг,  
зулминг камроқ бўлар эҳтимол?,  
Сенга ҳам яхшироқ бўлар,  
эҳтимол?!  
Ўлмай, узоқ давом этсанг, зулмда,  
Азобинг каттароқ бўлар, эҳтимол?!  
Сен хоҳламасанг ҳам,  
ўласан бир кун,  
Қаро ер билан тенг,  
бўласан бир кун!  
Миллионлаб одамлар хотирасида,  
Малъун,  
золим бўлиб, қолсан бир кун!



Бизлар Испаниянинг жанубий-шаркида жойлашган Картахена порт шаҳридан озгина чиққанимизда кун ҳали ёруғ эди. Машинада менинг ёнимда Испания давлат хазинаси юқори амалдори ўтирарди, лекин у ўз кўркувини яширмасди. Бизларнинг машинамиз ортидан 20 та беш тонналик машиналар карвони келарди. Сафаримизнинг мақсади шимол томон беш километрлар масофадаги тепаликда яширинганди. У ерда испан ҳарбий денгиз кучларининг ҳарбий омборлари жойлашганди. Аммо бизларни порох ёки «лимонка»ларнинг портлаши эмас, балки жиддий масала кизиқтирарди. Белгиланган жойга етиб келганимизда атроф қоп-қоронғи эди. Ниҳоят йўл бўйи ёқилмаган фараларни ёқишди, шунда мен қуролланган одамлар билан кўриқланаётган тепаликнинг ёнбағрида жойлашган улкан металл зулфинли, зирхли катта дарвозани кўрдим. Биз прожекторлар билан ёритилган тепаликнинг икки кенг томонига кирдик, у ерда буйруқ кутиб, 60 нафар испан денгизчилари тайёр туришарди. Бу ердаги катта омборнинг деворларида мингдан ортик тахта яшиқлар турарди. Уларда қўйма олтин ва тангалар (бир неча юз миллион долларлик) — Пиреней халқининг қадим замонлардан бери йиқиб келган бойлиги эди. Мен бу олтинларни Москвага олиб бориш учун келгандим. Мен ҳикоя қилаётган бу воқеа 1936 йилда бўлганди. Испанияда фуқаролар урушининг бошларида, мен шу «Олтин операцияси»ни ташкил этдим. Ўрганган одатим бўйича ҳар бир дақиқамни ҳисоблаб борардим. Республикачиларнинг доҳийлари олтин генераллиссимус Франко кўлига тушишидан кўриб, Сталинга «вақтинча сақлаш» учун беришга қарор қилдилар. Қандай бўлмасин, бу тadbирнинг юзаки қонунийлигига қарамасдан, мен буни асрнинг энг йирик фирибгарлиги деб атаган бўлардим. Россияга берилган испан олтин захирасининг катта қисми қарийб 600 миллион доллар (1936 йил курси билан) кўп йиллар турли миш-мишлар ва афсоналар билан бузилиб баён қилинарди. Холбуки, урушдан сўнг бу тadbирнинг қатнашчиларидан фақат икки кишигина тирик қолган. Бир испан ва мен. 1936 йилнинг 16 сентябрида Мадридга етиб келдим. Вазифам ҳарбий разведка, НКВД тармоғи орқали катта совет миссиясини бошқариш ва республика ҳукуматининг разведка, контрразведка ва партизанлар уруши бўйича бош ҳарбий маслаҳатчи вазифасини ўташ эди. Фуқаролар уруши бошланганига икки ой бўлган, ҳамма руслар каби мен ҳам Республикачилар Испаниясининг ғалабасини жону дилдан тилардим. Мадридга келганимга бир ой ҳам



## СТАЛИН ВА ИСПАН ОЛТИНИ

Ўтмасдан совет элчихонасининг радисти «ўта махфий» грифи ёзилган радиogramма билан мени таништирди. «Швед»нинг шахсан кўлига («Швед» менинг хизмат лақабим эди). Радиogramмада шундай деб ёзилганди. «Бош вазир Ларго Кабильеро билан Совет Иттифокига олтинларни жўнатишни келишиб олинг. Фақатгина Совет кемаларида. Тadbирнинг ўта махфийлигини таъминланг, агар испанлар тилхат ёки бошқа ҳужжатлар талаб этишса рад этинг. Уларга ҳамма ҳужжатлар Москвада, давлат банкида, олтинлар олингандан сўнггина берилишини билдириг. Бу операция учун сиз ўзиниң шахсан жавобгарсиз». Имзо. «Иван Васильевич». Иван Васильевич имзоси буйруқ шахсан Сталин томонидан берилганлигини билдирадди. Шу вақтнинг ўзида Мадрид халқа ичида қилиб қолди. Бир-икки кун ичида шахар миллатчилар томонидан ишғол этилиши хавфи турарди. СССРга олтинни топшириш 13 сентябрь қарори билан амалга ошириладиган бўлди. Қарорни президент Мануэл Азана ва молия вазири Хуан Негринлар имзолашди. Қарорда олтинни қаерда сақлаш кўрсатилмаганди, молия вазирига ўзининг нуктаи-назаридан келиб чиқиб ишонарли жойга яшириш кўрсатилганди, яна қарорда олтинни Кортесда (Испан Парламенти) сақлаш имконини кўриб чиқиш билдирилганди, табиийки испан Парламенти бу ҳолатлардан буткул хабарсиз қолди. Қарорда Совет Иттифоки бирор марта ҳам кўрсатилмаган бўлса-да, Негрин Совет савдо аттешесига мурожаат этиб, олтин ҳақида Москвага билдиришни сўради, Сталин дарҳол розилик билдирди. Сталин юборган телеграммадан икки кун ўтгандан сўнг Совет элчихонасида мен Негрин билан учрашдим. Молия вазири оддий, содда, одамшаванда зиёли инсон бўлиб, коммунизмни теория сифатида қабул қилмас,

лекин «Улуғ рус эксперименти» га хайрихоҳлик билдирадди. Унинг сиёсий соддалиги бизларга олтинни ташвишсиз, бемалол Москвага жўнатишга имкон туғдирадди. Бундан ташқари ўша вақтда Испаниянинг СССРдан бошқа иттифоқчилари ҳам йўқ эди.

— Олтин қаерда? — сўрадим мен. — Картахеннинг ёнгинасида, — жавоб берди Негрин, — Ҳарбий омборлар учун жиҳозланган ғорлардан бирида. Бу катта омад эди. Картахена портида ҳаммавақт бир неча совет кемалари бўлиб турарди.

Молия вазирдан ташқари, бу операциядан республика ҳукуматининг яна бир вазири — Индалесио Прието хабардор эди. У ҳарбий денгиз ва ҳаво кучларини бошқарди. Одессагача олтинларни транспортларда кўриқлаб етказиш унинг тўлиқ жавобгарлигига эди. Учовлон операция режасини тузиб чиқдик. Яшин тезлигида ҳаракат қилиш зарур эди. Худо кўрсатмасин, олтин тўғрисида хабар бизлардан тез етиб борса, итальянлар бизни қуршаб олиб, унинг йўлини бекитардилар. Бундан ташқари испанларнинг ўзлари ҳам бизларни мамлакатдан чиқармасдилар. Ким ҳам ўз олтин захирасини бошқаларга беришни истайди?

Менинг жавобгарлигимда 12X19X7 дюмдаги қарийб 10 минг дона яшиқ бор эди. Ҳар бирида 145 фунт олтин, жаъми 725 тонна. Эртасига мен Картахенага жўнадим. Менинг ёски дўстим, бўлажақ Ҳарбий Денгиз Флоти вазири Николай Кузнецов шу ерда экан, у қурол-яроғ ва ўқ-дори туширган кемаларни шайлашга ҳозирлик кўрарди. Олтинларни портга ташиш масаласи ҳам ўз-ўзидан хал бўлди, ҳозиргина Картахенага полковник Кривашеин (Меле) бошчилигида танк бригадаси етиб келди. У менга 20 та юк машинаси ва ўзининг энг яхши ҳайдовчиларини ажратди. Ҳайдовчилар испан денгизчилари формасида кийинтирилганди. 60 ҳақиқий испанлар эса карвонни кўриқлаб борардилар. Улар яшиқларда нима борлиги тўғрисида тушунчага эга эмасдилар. Совет кемаларининг денгизчилари ҳам ҳеч нима билмасдилар. Шундай қилиб, 20 октябрь кечаси операция бошланди. Бизга билдиришларича, юкни кузатиб бораётган испанларнинг ҳаммаси бир қолипга терилганидек, бўйи паст денгизчи-Қаввослар эдилар, икковлон бир яшиқни кўтарар ва уни машинанинг кузовига элтиб кўярдилар. Юкларни 10 машина колонна бўйлаб ташир, қоровул жавобгарлигида 500 яшиқ бор эди. Юклаш уч кун давом этди. (Кундузлари иш олиб борилмасди). Омад кулиб боққанидек, тунлар қоп-қоронғи, ой шуъла бермасди.

(Давоми 8-Бетда)



## ТАДЖИКИСТАН И УЗБЕКИСТАН: ВРАЖДА КАК ЛОЖКА ДЕГТЯ В ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОЙ БОЧКЕ МЕДА

*Непрекращающаяся вражда между Таджикистаном и Узбекистаном чревата опасными последствиями для будущего региона.*

Взаимоотношения между Таджикистаном и Узбекистаном оставались прохладными на протяжении большей части постсоветского периода, но в последнее время дело приобрело особенно мрачный оборот. Руководство Узбекистана осуществляет экономическую блокаду в отношении Таджикистана, заблокировав железнодорожное сообщение и приостановив поставки электричества в республику. Яблоком раздора, судя по всему, являются предпринимаемые Таджикистаном работы по достройке Рогунской ГЭС. Власти Узбекистана опасаются, что данный гидротехнический объект ограничит поступление воды, необходимой для наиважнейшей для Узбекистана хлопковой отрасли, а также ослабит политические позиции Ташкента в Центральной Азии.

Три самых влиятельных державы, действующие на территории Центральной Азии – США, Китай и Россия – крайне заинтересованы в разрядке напряженности в таджикско-узбекских отношениях. Но у них явно не хватает инструментов, чтобы понудить Ташкент ослабить давление на Душанбе. С точки зрения США, продолжение холодной войны между Таджикистаном и Узбекистаном может серьезно осложнить работу по стабилизации ситуации в Афганистане после вывода оттуда американских и натовских войск, который планируется завершить в 2014 году. Задуманная Вашингтоном стратегия стабилизации Афганистана в данный период во многом опирается на различные схемы регионального экономического развития, особенно на инициативу, известную под названием Новый Шелковый путь. Таджикско-узбекский конфликт тормозит его развитие. Проект и без того сталкивается с большим количеством проблем, от нехватки политической воли до отсутствия финансирования,

а неспособность государств региона наладить взаимодействие пророчит гибель всему начинанию. Враждебные отношения между Таджикистаном и Узбекистаном могут стать помехой на пути и двух других поддерживаемых США инициатив, направленных на стабилизацию ситуации в Афганистане, а именно проекта формирования регионального рынка электроэнергии путем сооружения линий электропередачи, которые свяжут Центральную и

Южную Азию, а также давнего проекта трубопровода ТАПИ, который планируется проложить из Туркменистана в страны Южной Азии.

Таджикско-узбекский конфликт нарушает все планы США, но еще большими неприятностями он грозит России, пробивая серьезную брешь в сфере безопасности, могущую оказаться весьма на руку наркоторговцам и исламским боевикам. Региональные эксперты прогнозируют активизацию исламских вооруженных формирований на территории Афганистана и Центральной Азии после вывода в 2014 году иностранного воинского контингента. Выступая 21 мая на пресс-конференции в Баку, генсек возглавляемой Москвой Организации Договора о коллективной безопасности (ОДКБ) Николай Бордюжа отметил, что ухудшение ситуации в сфере региональной безопасности является практически неизбежным. “Мы должны быть готовы сегодня к нейтрализации тех дополнительных проблем, которые могут возникнуть”, – приводит его слова информагентство “Тренд”.

Проблема заключается в том, что если два находящихся “на передовой” государства-члена ОДКБ вступят в открытое противоборство, то коллективные действия по борьбе с наркотрафиком и исламскими боевиками будут иметь мало шансов на успех.

Угроза, которую представляют исламские боевики для режимов Эмомали Рахмона в Таджикистане и Ислама Каримова в Узбекистане должна была бы диктовать Душанбе и Ташкенту, а также другим центральноазиатским государствам необходимо сплотиться перед лицом общего врага. Но руководство Таджикистана и Узбекистана, похоже, неспособно прислушаться к голосу разума и действует, по сути,

вразрез собственным национальным интересам. Узбекистан представляется особенно невосприимчивым к влиянию извне. Так, например, в конце апреля узбекское руководство, по имеющимся сведениям, отвергло попытки главы российского внешнеполитического ведомства Сергея Лаврова запустить процесс переговоров между Душанбе и Ташкентом. Ряд российских политологов теперь ожидают, что Ташкент еще сильнее закрутит гайки в отношении Душанбе, перекрыв ему еще и автомобильное сообщение с внешним миром.

Другие даже предполагают, что президент Узбекистана Каримов пытается свергнуть Эмомали Рахмона, спровоцировав экономический кризис, который приведет к возобновлению гражданской войны в Таджикистане.

Что же касается Китая, то Узбекистан является одним из ключевых звеньев энергетической стратегии Пекина в Центральной Азии, и его значение в данном качестве продолжает усиливаться, так что участие Узбекистана в региональных раздорах никак не может приводить китайские власти в восторг.

Для бесперебойного функционирования китайской экономики Пекину требуется резко увеличить объем своих закупок энергоресурсов в Центральной Азии и других регионах. По имеющимся оценкам, в целом за 2010 год Китай израсходовал 130 млрд. куб. газа. В 2020 году потребности КНР в данном сырье вполне могут вырасти больше чем вдвое. С 2009 года по территории Узбекистана осуществляется транзит туркменского газа в Китай. Но теперь Ташкент сам вступает в игру. Согласно объявленному в конце апреля соглашению, Узбекистан поставит в 2012 году в Китай до 4 млрд. куб. газа, а в 2013 году этот объем может вырасти до 10 млрд. куб. Китайские власти рассматривают ныне планы по наращиванию к 2025 году более чем вдвое существующей мощности трубопровода Туркменистан-Китай. Нестабильность в Узбекистане способна сорвать все эти планы.

Таджикско-узбекский конфликт может стать важным экзаменом для Центральной Азии. Если региональные державы смогут помочь Душанбе и Ташкенту преодолеть свои проблемы, то это станет обнадеживающим признаком для всего региона. И наоборот, если конфликт останется неурегулированным, то это может предоставить исламским боевикам дополнительные возможности – перспектива, которая не доставит удовольствия никому ни в Вашингтоне, ни в Москве, ни в Пекине.



## ХАЛҚАРО АМНИСТИЯ: "ЎЗБЕКИСТОНДА СЎЗ ВА ЙИГИЛИШ ЭРКИНЛИГИ ЯНАДА ЧЕКЛАНДИ"

Ўзбекистонда охириги бир йил ичида сўз ва йиғилиш эркинлиги янада чекланди, дейилади Amnesty International инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти чиқарган йиллик ҳисоботда. "Икки нафар инсон ҳуқуқлари фаоли муддатидан олдин камокдан озод этилди, аммо бошқа эътикод маҳкумлари кўркинчи, ноинсоний ва таҳқирловчи шароитда узок камок муддатларини ўташда давом этмоқдалар," - дея таъкидлайди Amnesty ўзининг "Дунёда инсон ҳуқуқларига оид вазият ҳақида"ги янги ҳисоботида. Amnesty ҳисоботига кўра, Ўзбекистон-да маҳбусларга муносабатни яхши-лашни кўзда тутган янги қонунлар кучга кирган бўлса ҳам, маҳбуслар ва маҳкумларга қийноқлар қўллангани ва ёмон муомалада бўлинганига оид ўнлаб хабарлар чиқишда давом этди. "Расмийлар сўз ва йиғилиш эркинлигини чеклашда давом этдилар", - дейилади ҳисоботда. Апрель ойида журналистларга ёзма руҳсатсиз халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий дипломатлар билан учраша олмасликлари ёки матбуот анжуманлари ва семинарларда иштирок эта олмасликлари маълум қилинди. Ҳисоботда шунингдек Ўзбекистондаги Британия элчихонаси матбуот котиби Леонид Кудрявцев "Йиғинлар ўтказиш, кўча намойишлари ва юришлари ҳақидаги қонунларга хилоф иш тутгани учун" йирик миқдорда жаримага тортилгани алоҳида таъкидланган. "Прокурорлар уни Британия элчихонаси биноси ичарисида мустақил инсон ҳуқуқлари фаоллари учун ўтказилган машғулот семинарлари пайтида экстремизмни тарғиб этишда айблашди," - дейилади Amnesty ҳисоботида. Унда қайд этилишича, ўтган йилларда бўлгани сингари ҳуқуқбонлар ва мустақил журналистлар таъқиб остига олинганлар, калтакланганлар, ҳибсга олинганлар ва улар устидан адолатсиз маҳкамалар бўлиб ўтган. "Улар полицияга сўроққа чақирилдилар, уй қамоғига олиндилар ва фуқаровий либосдаги ходимлар томонидан давомли кузатилдилар," - дея таъкидланади ҳисоботда.

### Е. УРЛАЕВА ЯНА РУҲИЙ КАСАЛХОНАГА ЁТҚИЗИЛГАН

"ФарғонаНьюс" тарқатган хабарда айтилишича, Ўзбекистонлик таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Елена Урлаева руҳий ҳолати оғирлашгани сабабли №1 Тошкент шаҳар руҳий касалхонасига ётқизилган. Бу ҳуқуқ ҳимоячисининг бу йилги иккинчи марта касалхонага ётқизилишидир. Бу сафар Урлаеванинг ўзи даволаниш курсига розилик берган, ва ўтган сафарги каби суд қарорига ҳожат қолмаган.

Баъзи ҳуқуқбонлар полиция ёки махсус хизматларга ишловчи шахслар томонидан дўппосланганликлари ҳақида хабарлар тарқатганлар.

### "Контр-террор ва хавфсизлик"

Amnesty йиллик ҳисоботига кўра, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда манъ қилинган Исломиё ҳаракат, ташкилот ва партиялар аъзолари ёки уларга алоқадор бўлган аъзолари бўлгани гумон қилинган шахсларни экстрадиция қилиш йўллари излашда давом этмоқда. Экстрадиция сай-ҳаракатлари, ташкилот айтмоқчи, "мамлакат ва минтақа хавфсизлиги ҳамда терроризмга қарши кураш" вазлари билан амалга оширилади. Ўзбекистонга мажбуран қайтарилганлар қийноққа солинишлари ва узок камок жазоларига ҳукм этилишлари мумкин, дейилади ҳисоботда. Amnesty ўтган йили Қозоғистондан Ўзбекистонга экстрадиция этилган 28 нафар ўзбек қочинлари ишини алоҳида тилга олган. Қозоғистондан Ўзбекистонга экстрадиция этилган 28 нафар ўзбекистонликнинг камида 12 нафарига диний экстремизм ва "Жиходчилар" исломий ташкилотига аъзолик айблови билан маҳкамага тортилгани хабар қилинган. "Экстрадиция этилган шахсларнинг барчаси ташқи дунёдан ихоталанган ҳолда ушлаб турилган. Инсон ҳуқуқлари фаоллари ишоничи, улар Тошкент қамоқхонасида сақланган ва қийноққа тутилган бўлишлари мумкин. Уларнинг яқинлари хавфсизлик кучлари томонидан таъқибга учраган ва экстрадиция этилган шахсларнинг қаерда сақлангани хабар қилинмаган", - дейилади ҳисоботда. Amnesty Қозоғистондан экстрадиция этилган мазкур шахсларнинг баъзилари 4 йилдан 15 йилга қадар озодликдан маҳрум этилганини хабар қилган. Ташкилот шунингдек ғарб давлатларининг Ўзбекистон билан яқинлашиш сиёсатини танқид остига олган.



### "ИСЛОМ КАРИМОВ МЕНИ ВА ЎҒЛИМНИ ОТИБ ТАШЛАЙ ҚОЛСИН"

"Ҳар вақт қуршовда ва таъқибда ўтирибман, уйда касал болам тўшақда" - дея сўнги баёнотини изохлайди Гулшан Қораева - "Мени кимлардир дўппослапти, уйим деворига номақбул сўзларни ёзиб кетишяпти. Яхшиси, ўлдириб қўя қолишин". Президент Ислом Каримовга ёзган очиқ хатида қашқадарёлик ҳуқуқ фаоли 1 июн болаларни ҳимоя қилиш кунида ўзи ва касал боласини отиб ташлай қолишни сўраган. "Мен баъзи бошқа фаоллардан фарқли тарзда ногирон боламни ташлаб четга кета олмайман ва кетишни истамайман. Ўлсам ҳам жасадим ватанимда қолсин". Гулшан Қораева сўнги йиллари Қашқадарёдаги болалар меҳнати, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар зўравонлиги борасида тадқиқотлар ўтказиб, оммага эълон қилиб келмоқда. Сўнги ҳафталар эса унга бўлган таъқиблар кучайиб, номаълум аёллар тарафидан кўчада ҳужумга тутилди ва уйи деворига номақбул сўзлар ёзилиб, уятсиз суратлар чизиб кетилди. Фаол бу ишлар ортида махсус хизматлар ва ё куч тизимлари турганини даъво қилади. "Мен махсус хизматларга айғоқчилик қилишга рози бўлмадим ва аксинча, бу борада очиқ гапирдим. Шу боис мени жазолашмоқда" - деб айтади Гулшан Қораева. "Ҳозир кўчага ҳам чиқолмайман. Чиксам, менга бирон қор-қол бўлиши ва ё бошимга кимдир бирон нарса билан уриб кетиши мумкин" - дейди фаол ўзига нисбатан сўнги кунлар содир этилган ҳодисаларни сарҳисоб қилиб - "Бу ишлар борасида шикоят қилсам, ҳатто маҳалла миршаби ҳам келмади. Шу боис бўлаётган ҳодисалар таъқибдан бошқа нарса эмас". "Имкони бўлса, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари фаолиятини давом эттирмоқчиман. Аслида-ку ҳамма бўлаётган ишлар мамлакат миқёсида ва Тошкентга бориб тақалади, лекин ҳар тугул, президент эшитса, раҳми келар, деб ўйладим. Акс ҳолда эрта менга нима бўлишини ҳам билмайман".

## ЖОРЖ БУШ ВА УНИНГ КАБИНЕТИ АЪЗОЛАРИНИ МАҲКУМЛАНДИ

Халқаро амнистия ташкилоти инсон ҳуқуқларини поймол этган ва жазодан қочиб юрган Америка Қушма Штатлари собиқ президенти Жорж Буш ва унинг кабинети аъзоларини маҳкумлади .

Халқаро амнистия ташкилоти инсон ҳуқуқларини поймол этган ва жазодан қочиб юрган Америка Қушма Штатлари собиқ президенти Жорж Буш ва унинг кабинети аъзоларини маҳкумлади .

Франсия ахборот агентлигининг бугун Вашингтондан берган хабарига кўра,

Халқаро амнистия ташкилоти эълон қилинган 2011-йилдаги ҳисоботида Канада давлатини оғир ҳаётда айблади. Гап шундагидек, Жорж Буш Бритиш Колумбия штатига сафар қилган ва уни инсон ҳуқуқларини поймол этилганини тасдиқловчи етарли далил-ҳужжатлар борлигига қарамадан Канада давлати Бушни ҳибсга олмаган. Халқаро амнистия ташкилоти маълумотномасига биноан, айни замонда Буш давлати масъулларидан ҳеч бири инсон ҳуқуқлари поймомол этилганлиги, жумладан одамларни



хуфиёна тарзда ҳибсга олиниши каби жиноятлар масъулиятини ўз зиммасига олишга тайёр эмас. Ҳолбуки, бу каби жиноятлар ЦРУ дастурлари асосида улар томонидан амалга оширилган.

СА-NEWS - Газета ўзбекистонлик меҳнат муҳоржиларининг Қозоғистондаги шароити, улар дуч келаётган қийинчиликлар ва ноҳақликлардан жамоатчиликни ҳабардор қилиб бориш ниятида. Қозоғистонда ўзбек жамоаси нашр қила бошлаган, қозоқ ва ўзбек тилида чиқа бошлаган "Туркистон тонги" газетаси халқаро дўстликни мустаҳкамлаш, ҳиддиятларни бартараф қилишни кўзлайди.

## ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЧИМКЕНТ ШАҲРИДА "ТУРКИСТОН ТОНГИ" ГАЗЕТАСИ НАШР ҚИЛИНА БОШЛАДИ

Қозоғистон жанубида этник таранглик йўқ эмас. Нашр ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, қадимги Туркистон ҳалқлари ўртасидаги ихтилофнинг сабаблари тарихни пухта билмаслик ва айрим ижтимоий ҳақсизликларга бориб тақалади. Чимкентда қозоқ ва ўзбек

тилларида босилаётган газета минтақадаги миллатлараро муносабатга бефарқ бўлмаган, вазиятни яхшилашга чора қидираётган бир гуруҳ зиёлилар ташаббусидир. Улар бу иш кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишидан умидвор.

## СТАЛИН ВА ИСПАН ОЛТИНИ

(Давоми: Боши 6-Бетда)

Юк машиналари ўчирилган фаралар билан борар, баъзида йўлдан адашар ва тўхтаб қоларди. Ҳаммасидан ҳам мен испан патрулларида қўрқардим, чунки бирорта «испан» ҳайдовчиси испанчани билмас, кўп ўйламадан уларни немис жосуслари деб билиш-лари, бирор машинани ҳибсга олиб, яшиқларни очишлари, унда... Иккинчи жиддий ҳавф бомба ташлаш эҳтимоли, ахир омборда олтиндан бошқа ўқ-дорилар тўла эди, бир тўғри тушум бизларни олтин билан қўшиб тит-питимизни чиқариб, майдалаб, молекулаларга айлантириши мумкин. Мен ўрта ҳисобда суткасига 4 соат ухлардим. Испанлар ёрда олтинлар орасида юрар, яшиқларнинг ичидагидан хабарсиз эдилар. Жудаям бетоқлағлари танаффус пайтлари (сандиқлардаги миллионлар устига ўтириб) майда чақага картада кимор ўйнардилар. Охир-оқибат сўнгги кечанда немислар учиб келишди, улар узок ва муттасил бомбалар ёғдиришди, бир испан крейсерини чўктиришди. Бу ерда ҳам бизларга омад кулиб боқди — бирор-бир кемамиз шикаст топмади. Тун якунига қараб, 7800 яшиқ кемаларга ортиб бўлинганди. Бу Испан Республикаси олтинининг тўртдан уч қисми эди.

Охирги яшиқни ортганимизда, мен бирканча кўнгилсиз дакикаларни бошдан кечирдим. Молия вазирлиги амалдори мендан олинган олтинлар учун тилхат талаб қилди. Амалдорнинг сурункали уйқусизлик-дан қипқизариб кетган кўзларига қарамасликка ҳаракат қилиб, бундай ҳужжатнинг зарур эмаслигини уқтирдим. «Компаньеро, мени сизга тилхат

беришга ҳаққим йўқ, ташвиш тортманг, сиз сўраган ҳужжат Москвада, давлат банкида, ҳамма олтинлар ўлчаниб, ҳисоблангандан сўнг берилади». Испан амалдори жуда қаттиқ ҳаяжонда эди, чунки ўша вақтларда салгина янглиш хато ўлим билан баробар эди. Мен уни иложи борица тинчлантиришга уриндим, юкни назорат қилиб бориш учун молия вазирлигидан тўрт вакил ажратишларини сўрадим. Ҳар бир кемага бир нафардан. Испан амалдорининг бунга рози бўлмадан иложи йўқ, чунки юклар совет кемаларига ортилганди. Икки соатдан кейин кемалар қарвони Одессага қараб йўл олди. Одессага жуда катта микдорда НКВДнинг Москва ва Киевдаги юқори мартабали амалдорлари етиб келишди. Бир неча кеча улар худди оддий юк ташувчидай, кимматбаҳо яшиқларни ташидилар. Олтин махсус поездга ортилди, айниқса, порт ва вокзал оралигидаги йўл ҳарбийлар билан зич ўралганди. Душманнинг орқа томонига рейд ташкил қилингандек, поездни юздан ортиқ НКВД зобитлари кузатиб бордилар. Юк Москвага келиб тушиши биланок, Сталин эртаси куни кечаси НКВД зобитлари учун баъзи жамшид уюштирди. Қабулда Сиёсий Бюронинг ҳамма аъзолари бор эди. Ўзининг инқилобий фаолиятини машҳур «экс»лардан (инсон тилида талондан) бошлаган Иосиф Виссарионович учун бундай катта лўқма, талончилардан (буржуазиядан) тортиб олинган бойликлар соҳасидаги катта бир ютуқ эди. Шу қабулда иштирок этган ўртоғи-мнинг қулоғига Ежов астагина шипшиди: «Сталин менга айтди, улар бу олтинни ўз қулоқларини

кўрмагандай бошқа кўролмайдилар». «Олтин» операцияси ва менинг СССРга қайтишимдан кейин 21 ой ўтди. Шу вақт мобайнида ҳеч ким испан олтинининг тақдирини билан қизиқмади, фақат бир марта Негрин мендан хайрон бўлиб сўради: «Бизнинг вазирликдаги йигитлар қани, ўша тўртовлон? Россияга борганларига бир йилдан ошди, хали ҳам улардан дарак йўқ, нега уйларига жўнатишмаяпти?» Франко Мадридни иш-ол қилгандан сўнг, олтин тақдирини билан қизиқиши керак эди. Аммо 18 йил мобайнида давлат хазина захираси олтинлари йўқолганлиги тўғрисида ҳеч ким чурқ этмади. Ҳамма вақт ҳам катта кучга эга бўлмаган испан валютаси, агар жаҳон биржаси олтин захиралари йўқлигини билса, бутунлай инқирозга юз тутиши мумкин. Сукунат фақатгина 1956 йилнинг декабрь ойида доктор Хуан Негриннинг вафотидан кейингина бузилди. Унинг шахсий қоғозларини таҳлил қилаётган Испан Ташқи Ишлар Вазирлиги амалдорлари испан олтинининг СССРга жўнатирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни топдилар. Бир неча муддат ўтгандан сўнг «Правда»да мақола чоп этилди. У ерда муаллиф ҳақиқатан ҳам Испаниядан 500 тонна олтин олиб келингани, эмишки, бу олтинлар Испан ҳукуматининг қурол-яроғ ва ўқ-дори учун тўловлар кафолати сифатида берилганмиш. Испаниядан СССР пул олмаган, ҳаттоки испан олтинини ўзлаштириб ҳам, СССР зарар кўрган, унинг микдори 50 минг долларни ташкил этади, дейилганди. Мана шунақа гаплар...

Александр ОРЛОВ  
Рус тилидан Субҳон УСМОНОВ  
таржимаси



## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши ўтган сонда)  
РЕПРЕССИЯНИНГ БОШЛАНИШИ

Шуни айтиш жоизки, ўзбек мухолифати давр ва вақт тақозоси билан бунёд этилган бўлиб, у ҳали тез ўзгариб турадиган сиёсий вазиятларга тайёр эмас эди. Президентлик сайловларидан сўнг эса унга кучли сиёсий партия бўлиб шаклланишига бир оз вақт керак эди. Лекин бу вақт унга берилмади. Президентлик сайловларидан сўнг дарҳол мухолифатни тамомила тугатиш ҳақида кўрсатма берилди. Буннинг икки сабаби бор эди. Биринчи сабаб: сайловлар мухолифатнинг халқ орасида кучли иттифоқчи ва хайрихоҳлари борлигини аниқлади. Сайлов ҳисоботидаги беҳисоб кўзбўямачилик ва лўттибозликларга қарамай мухолифатдан Президентлик-ка кўрсатилган номзод сайловчиларнинг 12.7 фойиз овозини олишга муваффақ бўлди. Бу дегани, мухолифат учун сайловчиларнинг бир миллион 115 минг аъзоси овоз берди дегани эди. КГБ мухолифатни тизилмалар ва лидерлар аро уриштиришга улгурган бўлса-да, лекин катта халқ оммасига ҳали таъсир қила олмаган эди. Ҳукумат доим алдаб келгани учун ҳам халқ унга ишонмас эди. Шунинг учун ҳам ярим-ёрти ошқоралик шароитида ўтган биринчи сайловданок ҳукумат сасосимага тушиб қолди. Ҳолбуки, бу сайловга кирган «ЭРК» ҳали кучли сиёсий партия сифатида етарлича шаклланиб улгурмаган эди. Лекин шунинг ўзиёқ агар эркин ва ошқора сайловлар ўтказилса, бу ҳукумат имконлари ҳаминқадар эканини кўрсатиб қўйди... Иккинчи сабаб: Мухолифат батамом бирлашиш арафасида турган эди. Яна бир неча ойлик ҳатти-ҳаракатлардан сўнг «ЭРК» ва «Бирлик»нинг барча маҳаллий ташкилотлари бир бутун бўлиб бирлашишга тайёр эди. Масалан, Фағона воҳасининг уч вилоятида Бирлашган Мухолифат Демократик Форуми бўлинмалари аллақачон янги куч ва ғайрат билан ишга киришган эдилар. Энди режимни ўз ноаён келажаги ташвишга солар ва шунинг учун ҳам вазиятни тамомила қўлга олишга у астойдил киришган эди. Президентнинг «ҳукуматга кириш» ҳақидаги таклифи Муҳаммад Солих томонидан рад этилди. Каримовда эса: «Ким биз билан бўлмаса, у бизга душман» деган шиор бор эди. Қолаверса, «агар душман таслим бўлмаса, одатда уни йўқ қилишади»...

Лекин қандай қилиб, қайси йўллар билан? Ғарб ҳали ўзбек мухолифати тимсолида «мамлакат хавфсизлигига дахл» сезмаган эди. Шунинг учун ҳам уни батамом йўқ қилиш учун «тош босадиган» баҳона ва аргументлар зарур эди... «Миллий мажлис» ўзбек режими учун ана шундай ваҳ-қорсон вазифасини ўтади. Бу Каримовнинг Ғарб олдида ўзини оқлаш борасидаги дастлабки уриниши эди. «Миллий мажлис» асосчиларини мамлакат Парламентига муқобил бўлган тузилма тузиш ва ҳукуматни куч ишлатиш орқали ноқонуний алмаштириш каби даъволар билан айблади. Кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас. Ана шунақа! Зотан, ҳеч қанақанги тузилма ҳам, «давлат тузумини ўзгартириш» деган гап ҳам йўқ эди. Ҳолбуки, А. Пўлатовдан бошқа барча мухолифат лидерлари «назорат»га олинган бўлиб, афсонавий жиноий иш бўйича аллақачон КГБ биносида «кўрсатма» бераётган эдилар. «Эрк» ва «Бирлик» амалда ҳануз қонуний жамоат ташкилоти бўлиб қолаётган эсалар-да, бироқ «ЭРК» газетаси аллақачон расмий цензура назоратига олинган бўлиб, ойда атиги бир мартагина нашр этиларди, холос. Бу пайтга келиб «ЭРК» партияси газетасининг бирданига уч вилоятдаги тиражи расман тақиқланган эди. Хуллас, мухолифат ахборот марказларини режали йўқ қилиш ҳаракатлари муваффақиятли давом этаётган эди. Энди Каримов режими репрессияларга юз бурганига шубҳа қилмаса ҳам бўларди...

### МАШАҚҚАТЛИ ЙИЛ

1992 йилнинг иккинчи ярми мухолифат учун мухолифат бўлиб шаклланиган бўён бошидан кечирган энг оғир йил бўлди. «Эрк» партияси котиби Отаназар Орипов, ЭРК Марказий Кенгаши аъзоси Саловат Умрзоқов ва «Бирлик» МК аъзоси Хазраткул Худойбердиевлар хануз Ички Ишлар вазирлиги ертуласида ўтирар, «Миллий Мажлис» бўйича маҳкама жараёнини кутишарди. Мухолифатнинг барча фаоллари кузатувга олинган эди. Жумладан Муҳаммад Солих ҳам Тошкентдан ташқарига чиқмаслик шарти билан тилхат бериб, гўё уй қамоғида ўтирди. «Бирлик» раҳбари Абдурахим Пўлатов эса яраланган бошини даволаш учун Туркияга жўнаб кетади...

Ўзбекистон Демократик Форуми иқтисодчи олимларни тўплаб «Республиканинг иқтисодий дастури»ни ишлаб чиқмоқчи бўлганида ҳукумат бу олимларнинг одатда Форум аъзолари йиғиладиган «ЭРК» биносига келишларига тўсқинлик қилиб, уларга турли йўллар билан тазйиқ ўткази бошлади. Бу воқеалардан бир оз вақт ўтиб социолог Баҳодир Мусаев Муҳаммад Солих билан 1992 йил якунлари бўйича суҳбатлашган эди. Қуйида шу суҳбатдан бир парчани келтириб ўтсам:

«М. Солих: «Эрк» партияси узок муддат республикадаги вазиятни барқарорлаштириб келди. Лекин бу ҳукумат томонидан кадрланмади. Аксинча, мамлакатдаги бу барқарорлик фақат давлат олиб бораётган фаолият маҳсули деб қаралди. Биз бу осойишталик ислохотларни амалга оширишга хизмат қилади деб ўйлаган эдик. Лекин акси бўлиб чиқди. Бу барқарорлик эски тартиб ва қоидалар, ҳукмдорликлик ва диктатни қайтадан тиклаш учун сарф бўлган экан». («Эрк йўлида» Бахтиёр Исо, 1993, Ташкент) Кейинчалик Муҳаммад Солих ўз мақолаларининг бирида бу барқарорлиқни «Қабристонлар барқарорлиги»га менгзаган эди. Ростдан ҳам мустақиллик эълон қилингандан сўнг қисқа муддатда республика ҳаётнинг барча жабҳалари бўйича сирли бир сукунатга, ажиб бир бўшлиққа шўнғиган эди...

### КОТИБНИНГ ИСТЕЪФОСИ

1992 йилнинг охирига келиб мухолифатнинг асосий нашри бўлмиш «ЭРК» газетасининг чиқиши тўхтади. Газета Бош муҳаррири Иброҳим Ҳаққулга нисбатан «бировларнинг гонорарини ўзлаштириш» айби билан жиноий иш очишди. Шунга ўхшаш жиноий ишлар «Эрк»нинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳам очилган эди. Бошқача қилиб айтганда, азроилнинг ўзи ҳали кўринмасида, лекин унинг ўткир панжасари ўз машъум ишини қилишга аллақачон киришган эди. Машаққатли ва оғир кунлар келаётганди. Энг «хушёрлар» вақтида эсини йиғиб олишга ҳаракат қила бошлашди. Буни биринчилардан бўлиб «ЭРК»нинг асосий котибларидан бир Аҳмад Аъзам амалга оширди.

(Давоми кейинги бетда)

## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Лекин шуни айтиш жоизки, тобора яқинлашиб келаётган репрессияларга қарамай, аксар эркчилар ўз қўрқоқ котибларининг изидан боришмади. Унинг шармандали истеъфоси кўпларни саросимага солиб қўйса-да, лекин унга бошқалар эргашмади, аксинча “ЭРК” сафлари янада мустаҳкамлана борди.

### СЎРОҚЛАР

Уч ойдирки, Ички Ишлар вазирлиги ертўласида Отаназар Орипов, Саловат Умурзоқов ва Ҳазратқул Худойбердиевларнинг “Миллий Мажлис” га оид азоб ва уқубатли тергов жараёни давом этарди. Миллий Ҳавфсизлик Хизмати ертўласида эса «Миллий Мажлис» асосчиси Бобур Шокиров сўроқ қилинаётган эди. 1992 йилнинг декабрида шу масала бўйича Мухаммад Солихнинг ҳам КГБ га чақириб сроқ қилишди. У билан бирга «ЭРК» газетаси ходими бўлган унинг кенжа укаси Мухаммад Бекжонни ҳам бир неча бор сўроқ қилишади.

“The Sunday Telegraph” газетаси 1993 йил 10 январь сониди шундай ёзган эди от: “Мухаммад Солих ўз офисидида ўтирар, авзойи ниҳоятда бузук эди. Телефонлар уч ҳафта бурун ўчирилган, ундан “ЭРК” партияси биносини бўшатиб беришни талаб қилишган. КГБ номини СНБ га алмаштирган идора эса мухолифат лидерлари устидан янгидан янги ва антиқа кузатув (слежка) лар ўрнатиб, ўз имкониятларини қайта ва қайта синаб кўраётган пайтлар эди”. Бошқа бир газетадан кўчирма: “Хукуматнинг қаттиқ ва кўпол чора тадбирлари мўътадил қарашдаги мухолифатчилар ҳафсаласини ҳам пир қилди. Расман рўйхатдан ўтган мухолифат партияси лидери Мухаммад Солих ҳам ўзининг сўнгги интервьюсида: Биз деворга қадаб кўйилгандек чорасизмиз, бирдан бир йўлимиз – бўйсунмаслик ва қарама қаршилик қилиш қолди, холос. Мулоқотлар даври тугади!» Мазкур баёнотидан сўнг Солих милициянинг қатор сўроқларига дучор бўлган ва охир оқибатда, бизга кейин билдиришича, унга ўлдириш билан таҳдид қилишган.” (The Baltimor Sun, 30.09.1990, Will England) 1993 йилнинг мартида Солих яширинча Қозоғистонга бориб, ўзининг «Давлат сирлари» номли китобини ёзиб, ўша ерда эълон қилади. Тошкентга қайтган эса ўзига нисбатан “Тошкентни

тарк этмаслик” ҳақидаги берган кўргазмасини бузганлиги учун яна бир жиноий иш очилганига гувоҳ бўлади.

Унга бўлаётган таъқиб ва тазйиқлар ўзининг “сирли” якунига етаётган эди...

### ҲИБС ВА КОНФИСКАЦИЯ

1992 йил якунида Бишкекдан “Бирлик” даги инсон ҳуқуқи ҳимоячиси Абдуманноб Пўлатовни ўғирлаб Тошкентга олиб келишди Уни Президент Каримов шаънини ҳақорат қилганликда айблашди. У ИИВ ертўласида икки ойча ўтириб, “Ҳақоратланган Президент” дан узр сўраб, пушаймон хаги ёзганидан сўнггина ҳибсдан озод этилди. “Миллий Мажлис” иши бўйича эса тергов хануз давом этар, айбдорлар хануз ИИВ КГБ ертўласида сақланар эди. 1993 йилнинг феввалида ҳукумат «ЭРК» ни қайта рўйхатдан ўтказишни талаб қилди. Бунинг учун эса партия аъзоларининг тўла рўйхати ва яшаш манзилларини ҳам тақдим этиш лозим эди. Партия раҳбарияти бундай рўйхатни ҳукуматга бериш – унинг аъзолари ҳаётини ҳавф остига қўйиш билан баб-баравар деб бундай қилмасликка қарор берди.

Адлия вазирлиги эса партиянинг бу қарорини ноқонуний билиб, уни рўйхатдан ўтмаган деб эълон қилди. Газета “The san Francisco Chronicle” ёзади: “Ўз ҳаётларида ўзгаришлар бўлишини орзу қилган аксар ўзбеклар дин ва тадбиркорлик эркинлиги тарафдори бўлган қирк уч ёшлик алпқомат ва бўйчан Мухаммад Солихга ишонч билдиришган эди.

Бугун Каримов режими «ЭРК» партияси штаб-квартирасида чирокни ўчириб, газетани ёпди ва бир қанча лидерларни ҳибс этди. Партия фаолларига эса гуруҳ гуруҳ бўлиб тўпланишни қатъиян тақиқлади...

Солихга Парламентда сўз беришмади. Махсус хизмат ходимлари унинг халқро эришга анжуманда иштирок этишига монёлик қилишди. Январь ойида эса давлат рақами бўлмаган автомобиль уни босиб кетишга уринди... Саросима ва таҳликада қолган Солих ўзининг сўнгги интервьюсида шундай деган эди: “Демократик ҳаракатимиз ўзининг қатта-қатта ва дадил одимларидан сўнг, ниҳоят, тўхтатилди. Бугун “хаёт ва мамот” масаласи кун тартибига чиқди. Вазият шу қадар жиддий. Энди бизнинг вазифамиз – жон сақлаб тирик қолиш!”

Солих бу мушкул ва аянчли вазият «ЭРК» томонидан ҳукуматдаги порахўрлик ва коррупция танқид қилиниб, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасидаги уринишлари боис юзага келганини яхши биларди.

“Министрлар кундан кун бой, халқ эса тобора камбағаллашиб бормокда” деган эди у”. 29 июнда “Бирлик” раҳбари Абдурахим Пўлатов ва унинг ҳамкори Миролим Одиловлар темир дастаклар билан қуролланган кишилар томонидан ваҳшийларча қатлакланишди. Энди Пўлатов Москвада яшайпти”. (The san Francisco Chronicle, 19.02.1993) 1993 йилнинг мартида партиянинг барча компьютер техникаси ва автомобиллари мусодара қилинди. Апрельнинг бошларида эса Мухаммад Солих ҳам ҳибсга олиниб, ИИВ ертўласига ташланди. Уни Тошкент шаҳар прокурори Эркин Жўраев сўроқ қилди. Энди ундан “ЭРК” аъзоси Бахтиёр Исабековнинг чет элда нашр этилган “ҳукуматга қарши” китоби бўйича сўрай бошлашди.

Китоб Туркияда чоп этилган бўлиб, Солих унинг ношир ва ҳомийларини билиши мумкин экан. Аслида, бу билан улар Мухаммад Солихни маълум муддат “кўздан яшириб” ҳаёт даражаси кундан кун тушиб бораётгани боис бугун эрта бош кўтаришга шай турган ололмондан узоклаштиришни мақсад қилган эдилар.

“Эрк” лидерини ИИВ ертўласида уч кун сақлаб, дунё ҳамжамияти талаби билан озод этишади.

Кўплар уни Турғут Озал ҳимоя қилган дейишади. Негаки, Солих ҳибс этилганда, Туркия Президенти Тошкентда расмий сафарда эди...

Уни қамоқдан озод этсалар-да, лекин мунтазам кузатар эдилар. Орадан бир кун ўтиб, уни яна ИИВ ертўласига олиб келиб, тунги 12 гача сўроқ қилишади.

Сўнг ИИВ биноси олдида тўпланган сафдошлари талаби билан уни уйига қўйиб юборишади.

Худди шу оқшом унинг уйига келган дўстлари ундан маълум муддат Тошкентни тарк этишини талаб қилишади. Солих уларга қулоқ солмайди. Кўп ўтмай дўстлари яна келиб, охир оқибат уни кетишга кўндиришади.

У Қозоғистонга кетади. Мухаммад Солих мамлакатни тарк этганидан сўнг ҳукумат «ЭРК» Марказий офиси жойлашган бинони область ижрои кўмитасига олиб берди...

(Давоми келгуси сонда)



## АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Прополис салқин ва қоронғу жойда йиллар давомида сақланса, шифоли хусусиятлари йўқолмайди, аксинча, ортади.

**Мева ва сабзавотлар**

Янги сабзавот ва мевалар ҳазми қулай ва соғлом озуқа сифатида инсон учун етарлидир. Мева сабзавотлардаги сув, органик кислоталар, витаминлар ва микроэлементлар баданни тозалайди ва унга шифо бахш этади. Бу моддалар мева ва сабзавотлар янгилигида ейилганда фойдали бўлади. Сабзавот ва мевалар пиширилганда ўз суви, органик кислоталари ва протеинларидаги табиий таркибни йўқотиб, витаминларидан маҳрум бўлади. Қисқаси, тирик мавжудотлар жон беришади. Масалан, помидор ёки исмалоқнинг суви янгилигида ичилса, баданни оҳаклардан тозалайди, анемияни кетказди ва бадан қувватини оширади.

Помидор янгилигида ейилса, суяк юмшаши, ҳатто саратоннинг олдини олади. Пиширилганида ичидаги оксалацид зарарли ҳолга келиб, тузланиш, томирларда торайиш, анемия, буйрак ва сафро тошини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Куритилган сабзавот ва мевалар эса янгилик хусусиятини йўқотмайди. Шу сабабдан куритилган меваларни қайнатиб, компот қилиш тўғри эмас. Бунинг ўрнига қуруқ мевани 4-7 соат сувга солиб, аввал сувини ичиш, кейин эса мевасини ейиш фойдалидир.

Мева бутунлай таомдан айри (бошқа маҳал) ёки таомдан аввал ейилиши керак. Шу билан бирга, таомдан кейин ейилган мева ҳазм бўлмасдан ачийди, спирт, сирка кислотаси, газ ишлаб чиқариб, турли касалликларга, ҳатто жигар сиррозига сабаб бўлади.

Мева ва сабзавот пўсти олинмасдан, бир неча уруғи билан ейилиши керак. Тарвуз, лимон каби меваларни, оз бўлса ҳам, пўстлоғи билан ейиш фойдалидир. Ошқовок, картошка, бақлажон, қизил лавлаги каби сабзавотлар печка ёки оловда пўстлоғи билан пиширилади.

Қаттиқ мева ва сабзавотларни (олма, сабзи ва бошқаларни) янчганда пўстлоғи билан бирга янчиш керак. Меваларга шакар, сут ёки туз қўшилмайди. Бир неча тур мева бир пайтда ейилмайди. Фақат бир синфга кирувчи, масалан апельсин, грейфрут, лимон ёки олча, гилос кабилар бир пайтда ейилиши мумкин.

Аммо бир синфдан бўлиб, ранги турли бўлса (масалан қизил ва яшил олма) аралаш ейилмаслиги керак, акс ҳолда улар коринда газ пайдо қилади ва коринни шиширади.

Икки турли мевани фақат 30 дақиқа ёки 1 соат танаффус билан ейиш мумкин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) янги хурмони қаймоқ билан, майизни нон билан ер

эдилар. Соғлом бўлсангиз, қулупнай ва хурмони қаймоқ билан, бананни асал билан ейишингиз мумкин. Ёки табиий, тозаланмаган, қўшимчалар қўшилмаган ундан тайёрланган, табиий ачитки билан тайёрланган ва тандирда пиширилган нонни анор ёки узум билан ейиш мумкин. Мева сувларини ва меваларни бир-бири билан аралаштиришни бу масалани билган доктор тавсияси билангина амалга ошириш мумкин.

Шубҳасиз, ҳар меванинг таъмида хикмат бор. Шундай бўлмаса эди, Аллоҳ Таъоло барча меваларни бир хил таъмда яратар эди. Меваларнинг таъминини туз ёки шакар қўшиб, ўзгартиришдан олдин ўйлаш керак. Бу сабзавотларга ҳам тегишли.

Пишиқчилик (ҳосил) даврида ейилган мева ва сабзавотлар касалликларни кетказувчи хусусиятлар эга бўлади, бу мавсумдан бошқа пайтда ейилган мева ва сабзавотлар касаллик келтириб чиқариши мумкин.

Масалан, музлатгичда музлатилганидан кейин қовун, олма ёки нокнинг кимёвий таркиби ўзгариб, улар ачиб спирт, сирка ёки ацетон ишлаб чиқаради, ҳазм ва метаболизмнинг бузилишига, ичакларда ортикча газлар қўпайишига сабаб бўлади.

Узоқ вақт сақланган мева ва сабзавотларда йиғилган гормон ва кимёвий моддаларнинг молекулалари парчаланса, бундан ҳам хавфли бўлади.

Энг фойдали мева ва сабзавотлар сизга энг яқин боғ ёки полиздан узилган, янги мева ва сабзавотлардир. Чунки бир экологик муҳитда фойдали бўлган мева ёки сабзавот бошқа бир экологик муҳитда яшайдиган кишига кўзланган фойдани бермайди. Яъни экологик муҳит ва инсон бир бутун ҳисобланади.

Куритилган мева ва қуруқ озуқалар Меваларни куритиш пайтида ранг тутувчи, пашша, ҳашоратларга қарши ва бузилиши олдини олувчи натрий сульфит (E221) қўлланилади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатади-ки, натрий сульфитнинг озуқалар орқали истеъмол қилиниши мия фаолиятига зарар беради ва вақт ўтиши билан бу зарарни катталаштиради.

Кимёвий моддалар билан куритилган мева ва озуқаларда жонли курт топиш мумкин эмас. Чунки дориланган меваларни ҳеч бир ҳашорат, қуш, пашша емайди, ҳатто микроб ҳам тегина олмайди. Демак, бозорда қайси мевага ари ва пашшалар ҳужум қилаётган бўлса, ўшандан олиш, қайсига яқинлашмаётган бўлса, олмаслик керак.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) хурмо қуртлаган бўлса, қуртларини олиб ташлаб, еяверар эдилар.

**Сут**

2 ёшгача бўлган болага зарур озуқа она сутидир. Аммо она-бола орасида қон тўғри келмаса, яъни она сутининг протеинлари бола танасининг протеинларига зид келса, она сути бола соғлигига хавф солади. Бу ҳолда бола учун сут энагаси кидириш керак. Соғиб қўйиб қўйилган она сутининг ҳазми оғир бўлади ва керакли фойдани бера олмайди.

Инсон 2 ёшдан кейин боланинг ошқозони сутни ҳазм қилиш тизимини йўқотади. Энди сут ўзининг таркибидаги ҳамда ичаклардаги микроблар ёрдамида ҳазм бўлади. Сигир ва бошқа барча ҳайвонларнинг сутлари соғилганидан кейин илиқлигича ҳеч нарса аралаштирилмасдан ичилса, шифоли бўлади. Чунки сут янги соғилганида унинг таркибида ҳазмни қулайлаштирувчи микроб ва ферментлар бўлади.

Соғилганидан кейин туриб қолган сутда қўпайган зарарли микроблар сутни зарарли ҳолга келтириши сабабли қайнатилиши керак. Лекин қайнатилганида ҳазми қийинлашади. Чунки сутнинг ҳазмини оsonлаштирадиган фермент ва микроблар 43-54 даража иссиқда ўлади. Бугунги кунда соғом киши қолмагани каби ҳайвонлар ҳам касал, шунинг учун сутлар қайнатиб ичилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Антибиотик билан даволанганларда зарарли микроблар билан бирга ичаклардаги микроблар ҳам йўқ бўлиши сабабли, сут ҳазм бўлмасдан бузилишни бошлайди. Бадан бузилган сутдаги кальцийлардан фойдалана олмайди. Бузилган сут танада ортикча балғам тўпланишига ва туз йиғилишига, бунинг натижасида суяк юмшашига, жигар, талок ва томирларнинг тиқилишларига, катаракта, псориаз ва витиликон (пес), сафро косаси ва буйрак тошларига, тиш чириши ва милик касалликларига сабаб бўлади (хусусан, қон гуруҳи “О” ва “А” бўлган кишиларда).

Турли сигирлардан соғилиб, аралаштирилган ва пастеризацияланган сутни фақат қайнатиб, занжабил билан ва илиқлашганидан сўнг, асал билан аралаштирилиб, ичса бўлади. Сутли ширинликларнинг устига занжабил ёки долчин сепса бўлади. Занжабил, долчин ва асал сутнинг ҳазмини оsonлаштиради.

Сут ичимлик эмас, овқат ҳисобланади. Шунинг учун сутни кичик қултумлар билан, оғизда тутиб туриб ичиш керак. Сут ичгандан кейин тез ҳаракат қилиш, ухлаш ёки бирон нарса ейиш яхши эмас, акс ҳолда, буйракда ва қовуқда тош йиғилишига сабаб бўлади (хусусан, қон гуруҳи “О” ва “А” бўлган кишиларда).

(Давоми кейинги бетда)

## АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бир сигирнинг сути бошқа сигирнинг сути билан аралаштирилмаслиги керак. Аралаш, пастеризацияланган ва кўп туриб қолган, қўшимчалар қўшилган сутларнинг фойдасидан зарари кўп.

Аралаш ва пастеризацияланган сутни қайнатиб, қатик қилиш мақсадга мувофиқ. Қатик таркибидаги микроблар сутнинг ҳазм қилинишини таъминлайди. Микроблар билан ҳазм қилинган сут қатик бўлади ва бадан қатикни осонликча ҳазм қилади. Қадимги олимлар сут таркибининг ҳайвон рангига, бўйига, тана тузилишига, кучли ёки кучсизлиги, гўштнинг қаттиқ ёки юмшоқлигига, бошқача айтганда, сигирнинг мижозига кўра ўзгаришини билишган. Ўрни сутнинг хусусияти ҳайвоннинг мижози билан узвий боғлиқдир. Инсонларда ва ўсимликларда бўлгани каби, ҳайвонларда ҳам 4 тур мижоз бор. Инсонларнинг 4 қон гуруҳига ажралиши, аслида, уларнинг 4 турдаги мижозга ажралишидир.

Бу жиҳатдан инсон ҳар қандай сигир сутини ича олмайди. Фақат ўз мижози билан бир мижозли сигир сутинигина ичиши мумкин. Бу худди она сутнинг болага тўғри келмаслигига ўхшайди. Шунинг учун бир мамлакатдаги ҳайвон турини бошқа мамлакатдан келтирилган ҳайвон тури билан алмаштириш ёки турли сигирлардан соғилган сутни аралаштириб ичиш нотўғри, ҳатто баъзан хавфлидир. Жамиятимизда пайғамбаримизнинг (с.а.в.) “Сут ичинг” амри оммалашиб кетган. Аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.) бунинг умрида ҳеч қандай сунъий овқат емаган, бир туя, бир қўй, бир эчкидан ёки бир сигирдан соғилган сутни ичган ва ҳаётида ҳеч антибиотик олмаган инсонлар учун айтганлар. Бугун антибиотик билан даволанмаган ҳеч ким йўқ, табиий озикланмаган ҳайвондан янги соғилган сут таъмини биладиган киши ҳам йўқ.

Сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун сигирларга бериладиган йириклаштирувчи (семиртирувчи) гормон инсондаги йириклаштириш факторни (IGF-1) орттириши мумкин. Йириклаштириш фактори барча тўқималарда хужайраларни назоратсиз тарзда орттириб, саратон (рак) келтириб чиқаради.

Табиий тоза сутни асал билан ичиш киши рангини тозалайди, семиртиради. Асалли сут қарияларнинг қуруқ ва совуқ мижозига фойдали. Қуруқликни камайтиради, совуқликнинг олдини олади.

Шиш ва саратонга, жигар, талок, буйрак ва тери касалликларига, бош оғриши, қулоқ шанғиллаши ва бош айланиши каби касалликларга сут зарарлидир. Бу касалликлар учун фақатгина туя сути фойдали..

Уйда ачитилган табиий қатик Бодринг билан ейилган қатик иссиқни туширади. Пиёз ҳам қўшилса, оқумли (инфекцион) касалликларга фойдали. Қайнатилган қатик ич кетиши, ҳатто қонли ич кетишини (диареяни) тўхтатади. Аммо қатик қаймоғи олиниб, қайнатилиши керак. Ёғли қатик янги куйган жойларга, хусусан, қуёшда куйган жойларга сурилса, оғриқларни тўхтатади ва қисқа пайт ичида тузалишини таъминлайди.

Қатик суви қонни тозалайди, жигар ва талокдаги тикилишларни очади, буйрак тошларини эритади ва сарик касалига фойдали.

Бундан ташқари, қатик суви билан яра боғланса, яралар тозаланadi ва ёпилади; сепкилларга сурилса, уларни кетказади. Учқуққа сурилса, тезда яхши қилади.

Оч қоринга қатик суви ичиш газни кетказади, ичаклардаги табиий микробларнинг яшашига кўмаклашади.

Жуда ориқ бўлганлар учун қатик қатик суви билан бошлаш, қонни тозалайди, иссиқ сафрони совутади ва камайтиради. Ичаклар ва талокқа дам бериб, ҳазми осонлаштиради ва семиришга ёрдам беради.

Соч қатик суви билан ювилса, ялтирайди ва тез ўсади.

### Пишлоқ

Пишлоқ сут суви (яъни қатикдаги яшил сув) ажратилишидан олинади. Пишлоқ сут махсулотлари ичида ҳазми оғир бўлганидир. Пишлоқнинг ҳазмини осонлаштириш ва йўқотилган яшил сув ўрнини тўлдириш учун пишлоққа помидор, салат ва кўкатлар аралаштириш керак.

Янги сабзавотлар енгил сувли бўлганлари учун пишлоқнинг ҳазмига ёрдам беради. Қадимги ҳакимлар:

“Пишлоқнинг ўзини ейиш касаллик келтиради, лекин ёнғок билан бирга ейилса, шифо бўлади”, дейишган.

Бузилмаган пишлоқнинг, яъни сақловчи модда қўшилган пишлоқнинг ҳазми кўп туриб қолган сутнинг ҳазмига ўхшайди. Пишлоқни кўп ейиш баданда туз йиғилиши, буйрак ва қовуқда тош йиғилишига, томирларда тикилишлар ва суяк юмшашини келтириб чиқаради.

Энг яхши пишлоқ - қўй ва эчки сутидан қилинган пишлоқ, бринза ва оқ пишлоқлардир.

Энг оғири - ёш қўй сутидан қилинган пишлоқ ва кремли пишлоқдир. Туркиянинг баъзи жойларида халқ пишлоқни моғорлатиб (сақлаб қўйиб) ейди. Моғорланган пишлоқни ейиш одати бўлмаган баъзи кишилар ҳам бундай пишлоқни яхши кўради.

Хусусан, қон гуруҳи “О” бўлиб, пишлоқни ҳазм қилишда қийналганлар, моғорланган пишлоқни севадилар, чунки ундаги микроблар ҳазм жараёнини осонлаштиради.

### Сариёғ

Қадимдан малҳам ва дори сифатида кўлланилади. Сариёғ ошқозон ва ичакларни дам олдиради, вужудни қувватлантиради. Қон гуруҳи “О” ёки “В” бўлган соғлом кишилар ҳафтада 2-3 марта сариёғ ейишади. Аммо сариёғ қон гуруҳи “А” в “АВ” бўлганларнинг мижозига тўғри келмайди, улар сариёғни ҳазм қила олишмайди. Ҳазм қилинмаган қолдиқлар сизлогич, хўппоз ва томир қопламаларига сабаб бўлади. Халқининг аксарияти “А” гуруҳли бўлган Тибетда халқ сариёғни сақлаб қўйиб ейишади. Пишлоқ каби сариёғнинг ҳам сақлаб қўйилгани осон ҳазм бўлади.

### Нон

Бугдойнинг барча витамин, фермент ва микроэлементлари унинг муттик (ёки муртак)ида, қобик ва қобик остида тўплаган. Бугдой марказида эса фақатгина “чуқур уйқу холидаги” крахмал бор.

Бугдой суғорилганда, сув унинг ферментларини эритиб, микроэлементларни ва витаминларни жонлантиради ва крахмалга оқизади. Ферментлар крахмални енгил шакарга айлантириб, муттик (ёки муртак - русча “зародыш”)га юборади. муттик ҳаракатга ўтиб, бўй чиқаради ва ҳаётини бошлайди.

Ферментларнинг бугдой қобикнинг ичида қамалишининг ва крахмалнинг уйқу холида тугилишининг ҳикмати бугдойнинг пайтидан аввал ўсиб кетмаслиги ва юз йиллаб бузилмасдан сақланиши учун. Бундан ташқари, бугдойдан ун қилинганда, унинг қобиклари (кепаги) эланиб, ажратилади, оғир ўлик крахмал ун қилинади. Бу жоҳилликдан бошқа нарса эмас.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бунга асло изн бермасдилар. Саҳл ибн Саъд розияллоху анху: “Расулulloҳнинг (с.а.в.) вафотларигача на оқ нон, ва на элак кўрдим”, деганлар.

Оқ ундан қилинган ноннинг ҳазми оғир, қондаги кислота миқдорини кўпайтиради. Оқ ундан қилинган нон сафро қосаси, буйрак ва қовуқда тошлар пайдо бўлишига, майда (капилер) ва йўғон (вен) томирларнинг тикилиб қолишига сабаб бўлади.

### ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**